

6-МАВЗУ: РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЁРДАМИДА ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Барқарор иқтисодий ривожланишга интиланган аксарият давлатлар, жумладан, Ўзбекистон ҳамжихатлик, эркинлик, шаффоқлик, очиқлик тамойилларига асосланган ижтимоий муносабатлар тизимини шакллантиришга интилмақда. Бу борада ички ва ташқи омилларнинг доимий таъсирини баҳолаб бориш негизида миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш орқали экспорт салоҳиятини ошириш, миллий иқтисодиётни юқори суръатда ўсишини таъминловчи ва глобаллашув жараёнларига рақобатбардошлигини таъминлаш, савдо ҳажмини ошириш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида рақамли иқтисодиётнинг ролини оширишга қаратилган муҳим стратегик мақсадларни олдига қўйиб ҳаракатланмоғи лозим. Хусусан, экспорт ҳажмини оширишда сармоявий-инновацион ҳамкорликни йўлга қўйиш бунда макро (давлат) ва микро даражадаги (корхоналар) ва жамоатчилик билан алоқаларни рақамлаштириш орқали эришиш мумкин.

Бугунги кунда Иқтисодиётнинг реал секторида рақамли технологияларни ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини рақамли иқтисодиёт технологиялари билан ривожлантириш мақсадида куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

-саноат секторида фаолият юритаётган корхоналарда замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали корхона таъминотининг барча босқичларини рақамлаштириш ва бошқаришни таъминлаш ҳамда ўрнатилган дастурий таъминот маҳсулотларини ушбу корхоналарни технологик қайта жиҳозлаш дастурлари билан уйғунлаштириш ишларини тизимли амалга ошириш;

-экспорт қилувчи корхоналарда замонавий дастурий маҳсулот ва илғор ахборот коммуникация тизимларини жорий этиш ҳисобига маҳсулот (иш, хизмат) сифатини жаҳон стандартларига мос ишлаб чиқариш ҳамда ишлаб чиқаришдаги тўхталишларни олдини олиш, маҳсулот таннархини камайтиришга ва фойдани максимал кўпайтиришга эришиш бунда молиявий-иқтисодий фаолиятнинг шаффоқлигини таъминлашга қаратилган инновацион рақамли бошқарув тизимлари ва Fintech (молиявий технологиялар) дастурий маҳсулотларни жорий этишга эришиш;

-экспорт операцияларини амалга оширишда мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш ва савдо ҳажмини ошириш мақсадида буюртмачилар (мижозлар) билан ўзаро муносабат механизмларини шаффоқ, виртуал, В2В шаклда масофавий (онлайн платформалар) орқали ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш;

-бошқарув маълумотларини қабул қилишни кўллаб-қувватлаш тизимини, жумладан, реал вақт режимида бизнес-таҳлил тизимини жорий қилиш орқали такомиллаштириш ҳамда мамлакат экспорт салоҳиятида катта улушга эга

Йирик хўжалик юритувчи субъектларда корхона ресурсларини бошқариш тизими (ERP) жорий қилиш масалалари кун тартибига чиқмоқда. Экспорт салоҳиятини рақамли иқтисодиёт технологиялари билан ривожлантириш тартибини амалга ошириш мақсадлари рақамли трансформациянинг глобал муаммоларини инобатга олган ҳолда интеграцион ҳамкорликнинг мавжуд механизмларини янгилаш, экспорт корхоналарининг юқори сифатли ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш, шу жумладан, иқтисодиётнинг жадал ўтишини таъминлашдан иборат. Иқтисодиётни янги технологик тартибга солиш, янги тармоқлар ва бозорларни шакллантириш, меҳнат ресурсларини ривожлантиришдан иборат. Рақамли иқтисодиёт тартибини амалга ошириш рақамли трансформацияларни синхронлаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларда келажак технологиялари тармоқларини ривожлантириш учун шароит яратиш имконини беради. Экспорт салоҳиятини ошириш фақат рақамли иқтисодиёт технологиялари ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш билан чекланмайди, балки янги бизнес жараёнлари, рақамли моделлар ва рақамли активларни яратишдан фойдаланишни назарда тутди.

Рақамли кун тартибини амалга оширишда давлат хўжалик юритувчи субъектлари ва фуқаролари ўртасида очиқ, кенг ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка, ҳар бир экспортёр корхонанинг иқтисодий самарадорликка эришишига ва экспорт ҳажмининг ўсишига, яратилган қўшимча қийматнинг ошишига ва умуман олганда иқтисодиётни янги босқичга ўтишига хизмат қилади. Бунда иқтисодий, технологик ва ижтимоий ривожланиш, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг рақамли кун тартибини шакллантиришдаги ўз ролини кучайтиришга ҳаракат қилади. Экспорт операцияларини амалга оширишга қаратилган рақамли кун тартибини амалга оширишнинг асосий йўналишлари ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларда, давлатлар ва бизнес субъектлари ўртасидаги битимда, экспорт шартномаларида белгиланган тамойиллар, шунингдек, қуйидаги тамойиллар асосида шакллантирилади:

рақамли кун тартибини амалга ошириш жараёнида тенг ҳуқуқли шерикликка, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантириш;

ҳамкор давлатлар томонидан контрагент операциялари доирасидаги қўшма вазифаларни ҳал қилиш жараёнида ўзаро синергия;

рақамли инклюзивликни кенгайтириш ва рақамли тафовутнинг барча шакллари бартараф этиш;

ҳамкор томонларда очиқ ва қўллаб-қувватловчи бизнес муҳитини ривожлантириш;

Б2Б, Б2Г, Б2С учун ўзаро манфаатларни таъминлаш, шу жумладан рақамли интеграцияни ошириш;

тақдим этилган маълумотлардан уни тақдим этган ҳамкорга зарар етказмасдан фақат белгиланган мақсадларда фойдаланиш;

экспорт ва импорт операцияларини амалга ошираётган контрагентларнинг миллий ахборот тизимларининг ўзаро интеграцион

алоқаси;

стратегик ҳужжатларда кўрсатилган ва ҳамкор давлатларда рақамли трансформация билан боғлиқ миллий рақамли кун тартибини ишлаб чиқиш;

давлат органлари томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг томонлар иқтисодий мақсадига мувофиқлиги;

корхоналарнинг ахборот ресурсларидан тенг фойдаланиши;

трансчегаравий ахборот ресурсларини ўзаро мувофиқликнинг зарур даражасини (технологик очиклик) таъминлаган ҳолда органик ривожлантириш.

Рақамли кун тартибининг мақсадларига эришиш, экспорт салоҳиятини оширишда рақамли палтформалардан фойдаланиш қуйидаги афзаликларга олиб келади:

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан бирга товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат ресурсларининг эркин ҳаракатланиш жараёнларини тезлаштириш;

жамиятнинг барча жабҳаларида рақамли трансформациялар орқали тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлигини ошириш;

янги технологик ва иқтисодий тузилмаларга ўтиш даврида иқтисодиётининг барча субъектлари учун барқарор ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш;

тадбиркорлик субъектларининг енд-то-енд рақамли жараёнлар, рақамли активларни яратиш ва ривожлантириш, бунда давлат тадбиркорлик субъектлари учун барқарор рақамли экотизимларни вужудга келтириш асосида ҳар томонлама ҳамкорликни йўлга қўйиши;

хўжалик юритувчи субъектларнинг рақамли иқтисодиётга ўтишга ва ривожланишга тайёрлик даражасини мумкин қадар тенглаштириш;

янги имкониятлар ва хатарларнинг пайдо бўлишини ҳисобга олган ҳолда, ҳамкор давлатлараро глобал, макроминтақавий ва минтақавий рақамли трансформация жараёнларига жалб қилиш;

рақамли бозорини шакллантириш ва давлат томонидан хўжалик юритувчи субъектларининг ташқи бозорларга киришини соддалаштириш;


иқтисодиётнинг рақамли ва норақамли соҳаларида инновацион иш ўринларини яратиш ҳамда тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларини рақамли иқтисодиётга жалб этиш даражасини ошириш, малакали кадрлар етказиб бериш масаласини алоҳида кун тартибига олиб чиқиш;

рақамли иқтисодиётни ривожлантириш жараёнида тадбиркорлик субъектлари, фуқаролари ва давлат органлари учун ривожланиш имкониятларини кенгайтириш ва рискларни камайтириш.

Ушбу рақамли кун тартибини белгилаб олиш, амалга ошириш ва тегишли механизмларни яратишда биринчи қадам, шунингдек, рақамли кун тартиби доирасида давлат томонидан устувор ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш учун асос бўлади.

Анъанавий офлайн савдодан тортиб рақамли экотизимлар интеграциясигача бўлган рақамли тижорат бозор иштирокчилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар моделига қараб доимий равишда уч босқичдан ўтади.

Электрон бозорнинг дастлабки босқичида савдо жараёнлари чизикли бўлади, инсон омили ва учинчи томон иштироки нисбатан юқори бўлади. Рақамли платформалар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар билан биргаликда рақамли экотизимларни ташкил қилади иккинчи босқичда платформага тобора кўпроқ жараёнлар ва хизматлар киради. Учинчи босқич келажакнинг ўзига хос имиджини ёки узоқ муддатли тенденцияни ифодалайди, унга мувофиқ экотизимлар бир-бири билан ўзаро таъсир қила бошлайди. Тизимлар максимал даражада мослашади, транзакциялар, контрагент операциялари, харид қилиш ва етказиб беришда муаммолар бартараф этилади. Маҳсулот таннархига таъсир қилувчи омилар, тўсиқлар максимал даражада камайтиришга эришилади. Деярли барча жараёнларда савдо майдончаларнинг интеграцияси, ҳамкорлиги ва рақобати шаффоф тарзда ишлайди (6.1-расм).




6.1-расм. Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида тижорат экотизимининг ривожланиш босқичлари тавсифи¹

Рақамли тижорат тартибини амалга оширишга умумий ёндашувлар рақамлаштириш тартиби доирасида миллий ва кўп томонлама, шу жумладан учинчи томонлар иштирокида ташаббусларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва интеграцияни қўллаб-қувватлаш, рақамли иқтисодиёт лойиҳаларини яратиш, глобал рақамли трансформация тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда қонунчиликни такомиллаштириш, рақамли экспорт лойиҳаларни амалга ошириш ва ваколатларни жамлашнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш, рақамли иқтисодиётда илғор тажрибаларни илгари суриш мақсадида давлатлараро манфаатдор томонлари ўртасидаги мулоқотни қўллаб-қувватлаш ва Булутли технология, БигДате, Блокчейн, ДЛТ, ВР каби бир қатор технологияларни амалиётга жорий қилиш орқали мақсадга эришишни

¹ Тадқиқотлар асосида тайёрланди.

тезлаштириш мумкин.




6.2-расм. Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида импорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилиш механизми тавсифи²

Рақамли кун тартибини амалга оширишнинг асоси ташаббусларни ишлаб чиқиш ва ҳар бир лойиҳани сезиларли ижобий натижага олиб келишдир. Шу муносабат билан, фаолиятнинг мослашувчан ва қайта созланиши механизмлари асосида ташаббусларни ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга ошириш орқали барча манфаатдор томонлар иштирокида рақамли кун тартибининг устувор йўналишлари бўйича ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш зарур. Хусусан –расмда рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида импорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилишида таннарх нахрлар оптималлаштиришга эришилади ва ортиқча вақт, пул ва бошқа иқтисодий ресурслар тежаллади. Ушбу жараёнда харидор ва ишлаб чиқарувчи масофавадан барча операцияларни кузатиб туриши мумкин.

Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида экспорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилишда вазифа нафақат экспортнинг мутлақ ҳажмини ошириш, балки ҳамкорлар занжир бўғинларининг максимал сонини сақлаб қолишдир. Ушбу босқичда энг яхши вариант рақамли платформаларидан хорижий платформаларга ёки тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотиш бўлади.

² Тадқиқотлар асосида тайёрланди.




6.3-расм. Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида экспорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилиш механизми тавсифи³

Рақамли технологияларидан фойдаланиш натижасида экспорт операциялари экотизимида қиймат занжири яратилишда вазифа нафақат экспортнинг мутлақ ҳажмини ошириш, балки ҳамкорлар занжир бўғинларининг максимал сонини сақлаб қолишдир. Ушбу босқичда энг яхши вариант рақамли платформаларидан хорижий платформаларга ёки тўғридан-тўғри истеъмолчиларга сотиш бўлади.

Рақамли платформада рақамли технологиялар (Булутли технология, БигДате, Блокчейн, ДЛТ, ВР) платформанинг ядросини ташкил қилади. Рақамли экотизимни шакллантиришнинг навбатдаги босқичида платформа рақамли тижоратни таъминлаш ва самарадорликни ошириш учун асосий жараёнларни ўзида бирлаштиради. Кўп қиррали кўп функцияли платформаларнинг экотизимлари бозорда рақобатдош устунликнинг янги манбаи сифатида пайдо бўлмоқда. Савдо қилинадиган товарларнинг ўзига хос хусусиятларига, кўламига, мураккаблигига, мақсадли сегментига қараб, рақамли платформалар турли хил қурилиш блокларидан иборат бўлиши мумкин. Платформанинг зарур хизматларининг бир қисми мустақил равишда тақдим этилиши мумкин, баъзилари эса ҳамкорлардан олиниши мумкин (6.3-расм).

³ Тадқиқотлари асосида тайёрланди.



6.4-расм. Рақамли савдо экотизимни ташкил қилиш модели тавсифи⁴


Рақобатбардош экотизимни шакллантиришда рақамли савдо қуйидаги шартларни яратишни талаб қилади:

- рақобатбардош маҳсулотлар массасини тўплаш ва рақамли савдо бизнесини анъанавий тарзда фаолият юритаётган тадбиркорлар муҳитга сингдириш;
- экотизимдаги ҳамкорликни тўлдириш ва унинг етуқлигини ошириш;
- бозорни прогнозлаш ва таҳлил қилишда қарорлар қабул қилиш сифатини яхшилайдиган энг янги технологиялардан фойдаланиш;
- ташқи мамлакатлари истеъмолчиларининг муҳим массасини жалб қилиш, ҳамкорликни рағбатлантириш ва ошириш;
- экспорт ва импорт операцияларини амалга оширишда қулай тартибга солиш муҳитини яратиш.

Экспортни рақамли иқтисодиёт унсурлари билан ривожлантириш механизми доирасида ташаббусларни ишлаб чиқиш ва рақамли лойиҳаларни (шу жумладан инновацион ва тармоқлараро) амалга ошириш учун рақамли ривожланиш соҳасида компетенцияларни тўплаш зарур. Бу борада тизим кучли салоҳиятга эга ИТ мутахассисларга эҳтиёж сезади. Шу мақсадда экспорт-импорт операцияларини рақамлаштиришда давлат органлари, миллий ва хорижий мутахассислар, хўжалик жамиятлари, ваколат марказлари, илмий ташкилотлар ва бошқа манфаатдор ташкилотлар вакиллари, шунингдек, мустақил халқаро, миллий вакиллар иштирокида эксперт майдончалари ташкил этилади. Рақамлаштириш ташаббусларни

⁴ Тадқиқотлар асосида тайёрланди.

ишлаб чиқиш ва лойиҳаларни амалга оширишга, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик ва консорсиумлар механизмларидан фойдаланган ҳолда ҳамкор давлатларнинг бизнес ҳамжамиятлари вакиллариини жалб этиш мақсадга мувофиқдир.



6.5-расм. 2025 йилга қадар рақамли технология мутахассисларнинг етишмаслиги(фоизда)⁵


Албатта иқтисодий рақамлаштириш жараёнида янгидан янги мутахассисларга бўлган эҳтиёж талаби ортиб, бандлик бозорида бу мутахассисларга нисбатан танқислик даражаси ошиши мумкин. Иқтисодий рақамлаштириш жараёнида УИ/Х дизайнерлар, Баск-енд дастурчилари, фронт-енд яратувчилари, рақамлаштириш маҳсулотлари менежерлари ва маркетингларлари, рақамлаштириш меъморлари каби замонавий мутахассисларга нисбатан талаб ошишига олиб келади. -расмда 2025 йилга қадар рақамли мутахассислардан УИ/УХ –дизайнер, Баск-енд дастурчи, ечимлар меъмори, рақамли маҳсулотлар менежери, Фронт-енд кабиларнинг етишмаслиги даражаси фоизларда келтирилган бўлиб, мазкур мутахассисларни кадрлар бозорига етказиб бериш масаласи бугунги куннинг долзарб муаммоларидандир.

Лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш учун тартибга солувчи “Sandbox” форматида рақамли трансформация лойиҳаларини ишлаб чиқишни таъминлайдиган муҳитни яратиш мумкин. Бу ваколатларни шакллантириш ва тўплаш, тартибга солиш моделларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқишнинг дастлабки босқичларида лойиҳаларни апробация ва тижоратлаштириш жараёнларини қўллаб-қувватлаш, ечимларни синовдан ўтказиш ва прототишлаш, экспорт жараёни моделлари кутубхонасини шакллантириш, рақамли активларнинг бизнес моделларини ривожлантиришни тезлаштириш, ҳамкорликда ечимларни шакллантириш ва хавфларни сезиларли даражада камайитириш нуктаи назаридан сезиларли самарага эришиш имконини беради.

⁵ <http://unctadstat.unctad.org/EN/Classifications.html>.

Экспортда рақамли кун тартибини амалга ошириш ҳамкор давлатлар ташаббусларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш механизмларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (рақамли кун тартибини амалга ошириш доирасида тақдим этилган ташаббусларни ишлаб чиқиш тартиби ташаббусларни ишлаб чиқиш амалиёти асосида ишлаб чиқилади), рақамли кун тартиби доирасида лойиҳаларни амалга ошириш (жумладан, молиялаштириш механизмлари), тартибга солувчи сандбохларни ва бошқа кучли механизмларни қўллаш орқали эришилади. Натижада рақамли кун тартибини амалга ошириш механизмларини яратиш қатор янги вазифаларни ҳал этишга ва интеграцияни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Давлат доирасида умумий жараёнларни амалга ошириш ва экспортёрларнинг интеграциялашган ахборот тизимини яратиш давлат билан интеграцион ҳамкорлиги тегишли тармоқ ва тармоқлараро ташаббусларни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади. Уюшмага аъзо корхоналар қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт ва бошқалар соҳасида тармоқ ташаббуслари кооперация йўналишларида шакллантирилади (6.6-расм).



6.6-расм. Савдо фаолиятини рақамлаштиришда ички ва ташқи омилларнинг ўзаро интеграцияси тавсифи⁶

Рақамли технологиялар орқали экспорт салоҳиятини ошириш ташаббуслари ишлаб чиқиш мезонлари ташаббуслар экспортчилар уюшмасига аъзо корхоналарни қизиқтириши, рақамли кун тартиби мақсадларига эришишни таъминлаши, инновацион бизнес моделларидан

⁶ Тадқиқотлари асосида тайёрланди.

фойдаланишни йўлга қўйишга кўмаклашиш, дунё рақамли инфратузилмаларига уланишни таъминлаши, етарлича етук молиявий технологиялар (Финтеч) ва рақамли экспорт платформалари, маркетинг ва реклама, молия институтлари, бозор инфраструктураси, ишлаб чиқарувчилар, биг дата, блокчейн, булутли сақлаш технологияларини жалб қилиш шунингдек, рақамли трансформациялар жараёнида иқтисодий ўсишни таъминлаш ва уюшмага аъзо корхоналарнинг рақобатбардошлигини қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиши керак.

Экспортни ривожлантиришга қаратилган рақамли кун тартибидаги кенг қўламли масалаларни, жумладан, ташаббуслар ва лойиҳаларни муҳокама қилиш, муҳим тенденцияларни аниқлаш, рақамли трансформациялардаги қисқа муддатли ва ўрта муддатли устуворликларни баҳолаш ва давлат соҳаси устуворликлари (имтиёзлар, преференциялар в.х.к)ни тақдим этиш учун эксперт платформалари, прогнозлар ва бошқалар қўлланилади.

6.1-жадвал

Рақамли платформаларни амалга ошириш тартиби⁷

	Босқич	Таркиб	Молиялаштириш
1	Саноатнинг тўртта асосий тармоғида (хом ашё ва материаллар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш воситалари ва элементлар базасини ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш) рақамли платформаларни ишлаб чиқиш ва тезлаштириш учун конвейерлар сифатида Компетенсия марказларини шакллантириш.	Компетенсия марказларининг мақсади - платформаларни ишлаб чиқишнинг асосий концептуал тамойиллари ва қоидаларини белгилаш ва таклиф этилаётган платформалар ва АДИ(амалий дастурлаш интерфейси) ни умумий тизимга киритиш мақсадга мувофиқлигини эксперт баҳолаш орқали рақамли платформаларни шакллантириш бўлган эксперт ҳамжамиятларини ташкил этишдан иборат.	Ташаббускор бўлим ёки муассасалар, ривожланиш фондлари томонидан молиялаштириш

⁷ Тадқиқотлари асосида тайёрланди.

2	<p>Ҳар бир сектор учун зарур бўлган маҳаллий платформалар таркибини аниқлаш</p>	<p>Минтақавий ва тармоқ контекстида рақамли платформаларни ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича жаҳон тажрибаси бўйича тадқиқотлар олиб бориш. Енд-то-енд технологиялар рўйхатини, саноат тармоқларининг рақамли платформаларга бўлган эҳтиёжларини аниқлаш, рақамли платформаларни амалга ошириш режасини шакллантириш</p>	<p>Рақамли платформалар фонди ҳисобидан</p>
3	<p>Рақамли платформа лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш</p>	<p>Рақамли платформани ишлаб чиқувчилар учун грант ва инвестиция ёрдами</p>	<p>"Рақамли иқтисодиёти" дастури доирасида</p>
4	<p>Рақамли платформаларнинг прототипини (ядросини) яратиш</p>	<p>Прототип қуйидагиларни ўз ичига олиши керак: рақамли платформани хавфсиз тўловлар, блокчейн ва бошқалар Финтехлар билан таъминлайдиган дастурий маҳсулот; амалий дастурлаш интерфейси (АДИ)</p>	<p>Ташаббускор бўлим ва / ёки муассасалар, ривожланиш фондлари томонидан молиялаштириш</p>
5	<p>Рақамли платформаларнинг биринчи босқичини (рамкасини) ишлаб чиқиш. Бир нечта платформаларни параллел равишда ишлатиш</p>	<p>Битта дастурий таъминот муҳитида яратилган тахминан 10-15 платформа ва 100-150 та илова (АДИ) киритилиши керак.</p>	<p>"Рақамли иқтисодиёти" дастури доирасида</p>

6	Керакли ваколатларга эга саноат ва технология хамкорлари консорсиумларини яратиш	Тижорий асосда рақамли платформаларнинг эволюцион кенгайиши. Янги тижорат платформалари ва иловаларини (АДИ) яратиш	Хусусий саноат холдинглари ва ИТ компаниялари маблағлари
7	“Регулятор Сандбох” – платформалар ва ваколат марказларининг кузатув кенгашларини яратиш	Тартибга солиш, таълим сиёсати ва алоҳида тармоқларнинг технологик ривожланишини синхронлаштириш	

Ташаббусни ривожлантиришни молиялаштириш ташаббускор ва (ёки) комиссия томонидан уюшманинг интеграциялашган ахборот тизимини яратиш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илмий-тадқиқот ва илмий-тадқиқот ишларини юритиш учун экспортни ривожлантириш уюшмаси бюджетда назарда тутилган маблағлар ҳисобидан шунингдек, молиялаштиришнинг бошқа манбалари ҳисобидан амалга оширилади. Ташаббус ишлаб чиқилиб, тасдиқлангач, рақамли кун тартибини амалга ошириш доирасида лойиҳа шакллантирилади. Рақамли кун тартиби доирасидаги ташаббусларга асосланган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш тегишли амалга ошириш механизмларини жорий этишни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 02.06.2016 йилдаги 185-сон.

2. 2018 йил 3 июлда “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўналишлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3832 сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги ««Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ПФ-6079-сонли фармони.

4. Кенжабоев О.Т. Тадбиркорлик фаолиятида ахборотлаштириш миллий тизимини шакллантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент, 2005. - 32 б.

5. Kenneth C. Laudon, Jane P. Laudon. Management in information systems. Organization and Technology. New York. 2017. – 815 p.